



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 27 (13.360)

Баҳоси эркин нарҳда

2017 йил 8 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ТИББИЁТ СОҲАСИНИ ЗАМОН ТАЛАБИ ДАРАЖАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь кuni соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари билан учрашиб, ушбу тизимни такомиллаштириш, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Халқимиз саломатлиги, айниқса, ёш авлод келажагига дахлдор бу соҳа Президентнинг доимий эътиборида бўлишини алоҳида таъкидлаганди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига сафари чоғида қишлоқ врачлик пунктлари ва клиникаларда бўлиб, шифокор ва беморлар билан мулоқот қилмоқда. Бу Президентимизнинг мазкур соҳага – халқимиз саломатлигига доимий эътиборидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 февраль кuni 5 январдаги мажлисда белгиланган вазифалар ижроси, соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар ва соҳанинг ривожланиш истиқболларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олий тиббиёт ўқув юртлири ректорлари, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги, раҳбарлар масъулияти ва шахсий жавобгарлиги хусусида атофлича тўхталди.

Президентимиз таъкидлаганидек, кўрилатган чора-тадбирларга қарамай, жойларда тиббиёт соҳасидаги вазиятни ўзгартириш ишлари талаб даражасида олиб борилмаяпти. Буни аҳолидан Халқ қабулхоналари ва Президентнинг Виртуал қабулхонасига келиб тўшаётган қўлаб ариза ва шикоятлар тасдиқлаб турибди.

Бирламчи тиббиёт муассасалари, айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизимининг фаолияти ҳақда қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларда энг яхши мутахассислар ишлаши керак. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, республика ва вилоят шифохоналаридаги малакали врачлар жадвал асосида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда қабуллар ўтказиши лозим, деди Президентимиз. Шунда халқимиз тиббий хизматдан рози бўлди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий тизимлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ихтисослаштирилган марказларнинг туман тиббиёт бинолари, бу бирламчаларнинг қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникалар билан ҳамкорлигини мустақамлаш ҳақида сўз юритилди. Тиббий хизматнинг қайси турлари бепул амалга оширилиши ва қайсила-

рига пул тўланишини аниқ белгилаш, ҳар бир муассасада кўринарли жойга ёзиб қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 31 октябрда қабул қилинган “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ бу маҳсулотларнинг нархи анча арзонлашди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департамент, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар вакиллари иштирокида дори-дармон воситаларининг белгиланган нархларда сотилиши назорат қилиб боришмоқда.

Президентимиз дори-дармон воситалари ноқонуний равишда баланд нарҳда сотилишига йўл қўймаслик, халқ манфаатларини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги департаментда “Ишонч телефонлари” ташкил этиш бўйича кўрсатма берди. Бу телефон рақамлари ҳар бир дорихонага осиб қўйилди, телевидение орқали кўрсатилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов, вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ҳожибоев, вазир ўринбосари Э.Боситхонова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги департамент бошлиғи Э.Дўсанов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси М.Ерниязов, Тошкент шаҳри, Андижон, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Фарғона, Бухоро, Жиззах вилоятлари ҳамда Бекобод, Ўлтиариқ, Бобкент туманлари ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тиббий хизмат самарадорлигини янада ошириш, бу борада белгиланган устувор йўналиш ва вазифаларни бекаму-кўст бажариш бўйича мутасаддиларга алоҳида топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилиш тиббиёт соҳасини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини замон талаблари даражасига кўтариш ишлари тизимли равишда олиб борилиши ва қатъий назоратда эканлигини кўрсатди.

ЎЗА

Муносабат

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ НУФУЗИ ОШМОҚДА

Кейинги пайтларда маҳалла институтининг жамиятимиздаги мавқеи тобора ошиб бормоқда. Қувонарли томони, давлатнинг айрим вазифаларининг аста-секин ушбу тузилма зиммасига ўтиб бориши ҳам айтиш мумкин бўлмоқда. Шу жиҳатдан олганда, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида маҳалла тузилмаси фаолияти самарадорлиги ва нуфузини бундан-да ошириш, моддий-техника базасини мустақамлаш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш билан боғлиқ вазифалар ўз аксини топган.

Хозирда мазкур Фармон айниқса, маҳалла институти ходимлари томонидан чуқур ўрганилмоқда. Уларнинг қуйидаги мулоҳазалари фикримиз далилидир.

Саидкарим АБДУВАЛИЕВ,
Юнусобод туманидаги “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

– “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳроқибат ва ҳамжихатлик муҳитини шакллантириш, ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод

вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида, шунингдек, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш каби бир қанча йўналишларда маҳаллаларнинг бевосита иштирокини кенгайтириш кўзда тутилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида учрайдиган ҳаётий масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратилгани билан аҳамиятлидир.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари Музаффар Солиев, Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Жан-Жером Касабьянка ва бошқалар икки томонлама ҳамкорликда ҳарбий шифокорларни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларнинг халқаро ҳарбий ва гуманитар ҳуқуқ соҳасидаги малакасини ошириш бўйича эришилган ютуқларга юқори баҳо берди.

2007 йилдан буён мамлакатимиз Мудофаа вазирлиги томонидан Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда 40 дан ортиқ қўшма лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, ҳарбий шифокорлар ва Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий-тиббиёт факультети курсантлари учун махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида

меморандум томонларнинг ҳамкорлигини янада мустақамлаш йўналишларини белгилаб беради. Бу Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларини тайёрлаш ва ўқитиш дастурлари учун зарур тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шу мақсадда анжуманлар, давра суҳбатлари, турли ўқув семинари ва тренинглар ўтказилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси томонидан ўқув материаллари, ҳужжат ва адабиётлар тақдим этилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ўртасида ҳарбий шифокорларни тайёрлаш бўйича ҳамкорлигини янада мустақамлаш масалалари муҳокама этилди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

*Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустақамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечишиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроеқтисодий барқарорлигини, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогност кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида:

1. Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илгор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагиларни назарда тутадиган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар стратегияси) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат ва жамият қўрилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳуқуқ” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустақамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилни тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш;

иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроеқтисодий барқарорлигини мустақамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктда Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақуруви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли

Қучлар резервиға бўшатиш тўғрисида”-ги Қарорига мувофиқ, мuddатли ҳарбий хизматга қақурилган йиғитларнинг дастлабки гуруҳини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● Бухоро туманидаги “Работак” маҳалла фуқаролар йиғинида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида ҳар бири 16 хонадонга мўлжалланган иккита қўшқаватли ва майдони 2 сотихдан иборат ўнта бир қаватли уй фойдаланишга топширилди.

● Навоий шаҳрида “Навоийлик ёш навоийхонлар” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Вилоят Маънавий тарғибот бўлими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилoят бўлими, Абдулла Қодирий номидаги

Ахборот-кутубхона маркази, “Қамолот” ЁИХ вилoят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган кўрик-танловда ўқувчи-ёшлар 3 та шарт бўйича беллашдилар.



● Япониянинг Саппоро шаҳрида 1950 йилдан буён ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган халқаро қор фестивали бошланди. Унда жаҳоннинг қўллаб мамлакатларидан ташриф буюрган 25 та жамоа томонидан қўллаб машхур кишилар ва сиёсатчиларнинг қордан ясалган ҳайкаллари намойиш этилмоқда. 17 метрлик Париж триумфал арка-

си бу йилги фестивалнинг энг ноёб экспонати деб ҳисобланмоқда.

● Руминияда мамлакат ҳукуматининг тўлиқ тарихида истеъфога чиқишини талаб этган ҳолда норозилик намойишлари тинмаётганлиги боис бугун мамлакат парламенти ҳукуматга ишонч билдириш масаласини кўриб чикди.

● Чехия ветеринария хизмати мутахассислари мамлакат ҳудудида парранда гриппининг бешта ўчоғини топишди ва бундай манзиллар сони 20 тага етди. Қасаллик тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида фермаларда 40 мингта парранда йўқ қилинган бўлиб, бунинг учун ҳукумат фермерларга тоvon пули тўлаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш; хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

2. Куйидагилар:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия 2-иловага мувофиқ;

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар 3-7-иловларга мувофиқ тўзилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши ҳисобланади;

Ҳаракатлар стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар

бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

4. 2017 йил Ўзбекистон Республикасида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган маълумот учун қабул қилинсин.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар зиммасига Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек Ҳаракатлар стратегиясини 2018-2021 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар билан биргаликда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолияти мувофиқлаштириб борилишини, шунингдек унинг жойларда ижро этилиши устидан тизимли назоратни таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар томонидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этиб борилади.

6. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар куйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усулларини жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдига ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда бюрократик тўсиқ ва говлар яратилишига, аҳоли билан мулоқот жараёнини кампаниябозликка айланишига йўл қўймасликка;

Давлат дастури доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг очиклиги, уларда фуқаролар, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий ва илмий муассасалар вакилларининг кенг иштирок этишига.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқирилиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг қилиш ҳамда унинг натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот бериб бориши таъминласин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижо-

рат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида кенг шарҳлаб борилишини, унинг демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, жамиятда қонун устуворлиги, қонунийлик ва адолат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтириш мақсадида давлат органларининг аҳоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотини кучайтиришга йўналтирилганни жамоатчиликка тушунтирилишини;

Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис, тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссияларга ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёт тажрибасини, зарур бўлганда, халқаро, хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда, ўрганишда кўмаклашсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш. МИРЗИЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 7 февральЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА
ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани ҳолисона баҳолашдан, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилишдан ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олдимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликлари ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифаси турган эди.

Мазкур вазифани амалга ошириш йўлида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий суҳбат ҳамда муҳокамалар олиб борилди, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маърузалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилди, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди.

Келиб тушган тақлифларни жамлаш, чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони** лойиҳаси ишлаб чиқилиб, у билан:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар стратегияси);

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) тасдиқланди.

Лойиҳаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизгин муҳокамалар олиб борилди. Лойиҳалар муҳокама учун турли ахборот майдонларига жойлаштирилди, уларнинг натижасида кўплаб тақлиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий борада юксак фаоллик кўрсатиб, олиб борилаётган ислохотларга алоҳида қизиқиш ва дахлдорликни намойён қилдилар.

Хусусан, лойиҳаларнинг “Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими” порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1 310 та тақлиф ва мулоҳаза келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, 2017 йил 23-27 январь кунлари Тошкент шаҳрида медиа-хафалик ва халқаро давра суҳбати ташкил этилиб, уларда 1 300 дан ортиқ мутахассис ва эксперт, жамоатчилигининг, оммавий ахборот

воситаларининг, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг, шунингдек Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторларнинг вакиллари иштирок этишди.

Ҳаракатлар стратегиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан сайловдиди жараёни, жамоатчилик, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда давлат органлари билан учрашувлар чоғида билдирилган мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

Хусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг куйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш;
3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислохотларни ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлимлардан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш назарда тутилмоқда, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланади.

Давлат дастурининг **“Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш”** деб номланган биринчи йўналишини амалга оширишда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлисининг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш, давлатнинг ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш назарда тутилган.

Давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало давлат хизматини ислох қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайитириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шакллари, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш Давлат дастурининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлди. Шу муносабат билан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек маҳалланинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Давлат дастурининг **иккинчи йўналиши** қонун устуворлигини ва суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутди. Жумладан, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаш керак бўлган Олий суд кенгашини тузиш, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Маъмурий судларни, ҳўжалик судларни тизимда минтақавий апелляция судларини тузиш, судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш орқали судларни келгусида иқтисодлаштириш ва уларнинг девонини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда.

Сансалорлик ва ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиб қўзиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қўйи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Ушбу йўналиш доирасида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўбга чиқариш, аҳоли уларга эркин мурожаат эта олишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларнинг, хабарларнинг ўз вақтида олинишини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимига, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек ушбу йўналиш 2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимларини ўқитиш, танлаш ва жой-жойига қўйиш тизимини такомиллаштириш, мурожаатларни мунтазам таҳлил қилиш ҳамда вақти-вақти билан унинг натижаларини эълон қилиб боришни, адвокатурани ривожлантириш, нотариат тизимини ва ФХДЭ органларини ислох қилишни ҳам ўз ичига олади.

“Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган **учинчи йўналишда** кўрсатилган чора-тадбирларни рўбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган махсусот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркор-

ликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмуричилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларини ривожлантириш, шунингдек туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек ушбу йўналиш хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айрим миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик қўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридида 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат махсусотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг яппи ички махсусотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

“Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган **тўртинчи йўналиш** аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолининг электр энергия, газ билан таъминлаш яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутди.

Хусусан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўбга чиқариш ҳисобида 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Катта ёшли авлодни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш чора-тадбирлари киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Қишлоқ жойларда 15 мингта арзон уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувур-

лари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилмоқда.

“Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” деб номланган **бешинчи йўналиш** доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиясининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Давлат дастурининг юқорида қайд этилган барча чора-тадбирларини амалга оширишга 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Келгуси беш йилда мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик ва устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Фармон асосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия тузилмоқда.

Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Ҳаракатлар стратегияси бешта йўналишининг ҳар бири бўйича тузилган комиссиялар зиммасига юклатилган.

Ушбу комиссиялар зиммасига нафақат юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш, балки 2018-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳам юклатилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди.



Энг буюк манба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги *“Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”*ги фармойиши барчамизни китобга муносабатимизни қайта кўриб чиқишга ундайди.

Ушбу қонуности ҳужжати билан танишар эканман, кўз олдимга ҳаммадан аввало Алишер Навоий сиймоси ва бу улуг зот яратган китоблар келди. Чунки умримнинг катта қисми айнан ана шу китобларни ўқиб, тушуниш, таҳлил этиш билан ўтапти.

Миллатимиз маънавият меросида Алишер Навоий асарларидан буюроқ манба йўқ. Шунинг учун биз халқ сифатида китоб ва китобхонлик масаласини бу буюк бобокалонимиздан айри тасаввур эта олмаймиз.

Навоийни Навоий қилган – китоб

Ўзбек тилида Алишер Навоийдан кўп ва ҳўб китоб ёзган яна ким бор? Унгача ҳам, ундан кейин ўтган беш асрдан ошдиқ давр мобайнида ҳам бу буюк зот эришган юксак чўққига тенг кела оладиган ижодкор пайдо бўлмади.

Бугун баралла айта оламизки, Навоийни Навоий қилган айнан китоб эди. Чунки у ўзигача яшаб, туркий, форсий ва арабий тилда ижод этган деярли барча қаламқашлар ижоди билан танишган эди.

Ўтган асрнинг биринчи ярмида атоқли навоийшунос Е. Бертельс: *“Навоий кутубхонасини ўрганиш керак”*, – деган масалани ўртага ташлаган эди. Бу, *Навоий ўқиган китоблар рўйхатини тузиб, уларнинг шоир яратган асарлар билан алоқадорлигини аниқлаштириш керак*, дегани эди. Бу борада қисман ишлар қилинган бўлишига қарамай, ушбу вазифа ҳали ҳамон узил-кесил амалга оширилгани йўқ ва шунинг учун ўз долзарблигича турибди.

Мурғак қалбнинг китобга интилиши

Алишер Навоий 1441 йилнинг 9 февралда Хуросон давлатининг пойтахти – ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Хирот шаҳрининг Боги Давлатхона мавзесида туғилди.

Алишернинг отаси – Ғиёсиддин Кичкина темирўйлар салтанатининг содиқ мулозимларидан бири эди. Онаси ҳам ана шу темирўйлар хонадонини хизматида бўлган аёллардан бири эди. Навоийнинг ўзи бу ҳақда:

*Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизини,* – деб ёзган эди.

Ғиёсиддин Кичкина оиласида илму маърифат, хусусан, адабиётга кучли меҳр устувор эди. Алишерлар хонадонидан тез-тез маърифий сўхбатлар бўлиб ўтар, уларда шеърхонликлар ҳам бўлиб турар эди. Алишернинг тоғалари – Мир Саид Кобули, Мухаммад Али Ғарибийлар шоир эдилар. Ғарибий мусика илмини ҳам пухта билар, яхши созанда ҳам эди. Бу икки тоғанинг ҳам туркий шеърга майиллари кучлироқ эди.

Алишер тўрт-беш ёшларидан мактабга борган.

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

Алишер олти ёшга тўлган 1447 йили Хуросон подшоши – Мирзо Улуғбекнинг отаси Шохрух Мирзо вафот этди. Хиротда темирўйларнинг тохташ учун кураши авж олиб кетди. Шаҳар аҳли бу нотинчликлардан қочиб, атрофдаги шаҳар ва қишлоқларга кўча бошлади.

Бундайлар орасида Ғиёсиддин Кичкинанинг оиласи ҳам бор эди. Алишерлар оиласи Ироқнинг Тафт шаҳрига келиб, яшай бошлади. Бўлғуси шоир Тафтда машҳур тарихчи, Сохибқирон Амир Темур ҳақидаги улкан *“Зафарнома”* китобини ёзган Шарофиддин Али Яздий билан учрашади. Бу тасодиқий учрашув чоғида буюк олим хиротлик бу боланинг зийраклигига, ақлу фаросатига қўйил қолади. Ана шу сўхбатда ёш Алишер улуг олимга *“Қуръон”нинг “Таборақ”* сурасига ўқиганини айтади. *“Таборақ”* – Қуръондаги *“Мулк”* сурасининг иккинчи номи. Биласизки, мўқаддас китоб – Қуръон карим жами ўттиз жузъ, яъни порадан иборат. *“Таборақ”* сураси билан эса йигирма

вожада адабиётшунослик ўрнини нақадар нозик ва теран англаганини кўрсатади.

Бевосита устозлари

Шукрки, бугун Навоийнинг тўлиқ асарлари нашрига эгамиз. Шунинг учун шоирга турли соҳаларда бевосита таълим берган устозлари айнан кимлар эканини юз фоиз аниқлаштириш имкони бор. Чунки улуг бобокалонимиз ҳар бир устози ҳақида у ёки бу даражада маълумот бериб кетган.

Аруз илмини Навоий бевосита Дарвеш Мансурдан ўрганган. *“Фақир арузни Дарвеш қошида ўқубмен”*, – деб ёзади бу ҳақда унинг ўзи *“Мажолис ун-нафоис”* тазкирасида.

Навоийнинг бевосита устозлари масаласи – илмимизда алоҳида ўрганишга лойиқ мавзу. Ҳозир биргина устози ва пири Абдурахмон Жомий ҳузурларидан Навоийнинг шоғирд сифатида ўқиган китоблари рўйхатини *“Хамсат ул-мутаҳаййирин”* рисоласининг *“Хотима”* қисмига суянган ҳолда

НАВОИЙ ВА КИТОБХОНЛИК

тўққизинчи жузъ бошланади. Демак, Алишер олти ёшида ўттиз пора Қуръоннинг йигирма саккиз порасини ўқиб туширган эди.

Китобсеварлик самараси

“Лисон ут-тайр” дostonида тасвирланишича, мактабда ўқиб юрган кезлари муаллим ҳар болага ҳар хил бадий китобларни ўқишни буюради. Кимдир Шайх Саъдий Шерозийнинг *“Гулистон”*и ёки *“Бўстон”*ини танлайди, ёш Алишер эса Фаридиддин Атторнинг *“Мантик ут-тайр”* дostonини ўқишга тушади. Бу китоб мутолаасига у шу қадар берилиб кетадики, ота-онаси бундан хавотирга тушиб, қўлидан дostonни олиб, яширишади. *“Фойдаси йўқ эди, – деб ёзади Навоий, – чунки мен уни тўлиқ ёдлаб олган эдим”*.

Ҳўш, бундай олий даражадаги китобхонлик қандай самара берди?

Шоир умрининг сўнггида ана шу болалигида тўлиқ ёдлаб олгани *“Мантик ут-тайр”* жавобида *“Лисон ут-тайр”* дostonини яратди. Халқимиз яна бир буюк мерос билан бойиди.

Китобхонлик ёш танламас

“Бешиқдан қабргача илм ўрган”, – деган жуда машҳур ҳадиси шариф бор. Навоий ҳам – бунга қатъий амал қилган зотлардан бири.

Хондaмнинг яна бир асари – *“Хулосат ул-ахбор фи баъни аввал ил-ахйир”*да келтирилган бир маълумот Атоуллох Ҳусайнийнинг олимликда нақадар юксак қадр топганлигидан далолат беради: *“Сабот ва матонат билан илмда шундай олий даражага етдики, 902 йили бир неча ой давомида амирнинг даргоҳидаги олиханоб мажлисларда даво ўқиди, ул ҳазрат (Навоий) – С. О.нинг ўзлари ҳам кўлларида қоғоз ва қалам билан бир неча ой атоқли олим Атоуллох Ҳусайний қошида адабиётшуносликдан дарс тинглабди! Бу нафақат Шарҳ, балки, жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги тарихида ҳам нҳоятда ноёб ҳодиса бўлса, ажаб эмас. Холбуки, шунгача Навоий соф адабиётшуносликка оид *“Мажолис ун-нафоис”* тазкирасини ҳам, аруз назарисига оид *“Мезон ул-авзон”* рисоласини ҳам ёзиб битирган эди.*

Филология фанлари доктори, профессор Раҳим Мусулмонкулов Навоий шу дарсларни тингладан кейинги йиллари *“Мажолис ун-нафоис”*ни қайта тахрир қилгани, *“Муҳокамат ул-луғатайн”*ни ёзгани, *“Хазойин ул-маоний”* чоркитоби *“Дебача”*сини янгидан битганини таъкидлайди.

Хуллас, бу нодир воқеа Алишер Навоийдек дохийнинг сўз санъати ри-

тузиб чиқайлик: Жомийнинг ўз қаламига мансуб *“Қофия”*, *“Муаммо”* (иккинчи рисола), *“Аруз”*, *“Лавоҳ”*, *“Лавомеъ”*, *“Шарҳи рубоийт”*, *“Ашиъа”*, *“Нафаҳот ул-унс...”*, *“Шабоҳид ун-нубувват”* асарлари; Хожа Муҳаммад Порсонинг *“Қудсия”*си, Фахриддин Ироқийнинг *“Ламаот”*и, Хожа Убайдуллох Ахрор Валийнинг *“Волидия”*си, Хожа Абдуллох Ансорийнинг *“Илоҳийнома”*си.

Булардан ташқари, Навоий устозининг *“Хафт авранг”*и кўп дostonларини муаллиф сифатида ўқиганларида қулоқ туггани ёки *“қулоқ тутқувчилар мадади учун алар мажлисида”* ўзи ўқиб берганини ҳам айтади.

Демак, китоб ўқиш билан китоб ўқишининг ҳам фарқи бор экан. Хусусан, устоз ҳамкорлигида китоб ўқиш аънаъаси амалда қандай буюк хосилалар берганини биргина ҳазрат Алишер Навоий *“Мисолида”* ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатларни лашкар эмас, китоб забт этади

*“Фарҳод ва Ширин”*нинг охиридаги фахриясида шоир қайси мамлакатга бир фармон юборган бўлса, уни забт этиш учун бир девон жўнатганини битади:

*Не мулк ичраки бир фармон йибордим,
Анинг забтига бир девон йибордим.*

Бу девон тутти ул кишварни андоқ, – Ки девон тузмагай дафтарни андоқ.

Навоийнинг девонлари мамлакатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни йўлга қўйишда улкан вазифа бахгаргани шундан ҳам аён бўлиб турибди. Бироқ бу жараён шоир вафотидан кейин ҳам изчил давом этиб келаётди. Ҳозирги пайтда ҳам унинг асарлари қайси тилга таржима қилинса, бу амалда ўша мамлакат билан адабий-маданий ҳамкорликларимиз раванқ топганидан далолат беради.

Ёки улуг шоиримизнинг ҳайкали айнан мустақиллигимиз йилларида Москва, Токио ва Боку шаҳарларида қад кўтариши, бу йил 9 февралда Хитой Халқ Республикасининг Тошкент билан бирдорлашган Шанхай шаҳрида ўрнатилиши режалаштирилгани аввал бу давлатларга унинг асарлари борганини кўрсатади.

Кўп китобларга сабабчи бўлган зот

Навоий кўплаб китобларнинг ёзилишига боис, яъни сабабчи, ташкилотчи, ташаббускор, ҳатто, ҳомий бўлган.

Бу ерда биргина мисол келтирамиз. Навоий пири ва устози Нуриддин Абдурахмон Жомийни авлиёлар ҳақида тазкира ёзишга даъват эта-

ди. 1471/72 йили тугалланган *“Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс”* тазкираси шу тариқа дунёга келган. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи: *“Ҳазрати устозим, саййидим, ҳужжатим, маҳдумим ва шайх ул-исломим, Мавлоно, миллат ва дин нури Абдурахмон Жомий (Унга Аллоҳнинг раҳмати, мағфирати, саломи ва ризоси бўлсин!) хидматларида “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс” китоби жамъу тартибининг боиси бўлдум”*, – деб ёзади.

Орадан 24 йил ўтиб, яъни 1495/96 йили Навоий *“Нафаҳот ул-унс ва мин ҳазарот ул-қудс”* тазкирасини туркийга таржима қилди. Бу асарга *“Насойим ул-муҳаббат ва мин шамойим ул-футувват”* (*“Улғулик ҳушбўйликларини таратувчи муҳаббат шаббодалари”*) деб ном берди.

Сўфийлар ҳақидаги бу тазкира XV аср иккинчи ярмигача ўтган талай шайх ва авлиёлар ҳақида маълумот берувчи жуда бой манба ҳисобланади.

Шу тариқа бутун мусулмон оламининг XV аср охиригача бўлган даврда ўтган шайхлари ҳақидаги икки буюк манба тарихда қолди.

Навоийнинг китобхон қахрамонлари

Навоий ўзининг сеvimли қахрамонларининг болалик даврларини тасвирлар экан, уларнинг илму маърифатга, демакки, китобга меҳрини айрича меҳр билан қаламга олади. Кўнгилдан кечадики, шоир улар бахонасида ўзининг болалигини тасвирлагандек бўлади.

Фарҳод ҳам илмпарвар ийигит эди. Ўн ёшга етганида у ўрганмаган илм қолмаган ҳисоб эди.

Бу борада Ширин ҳам Фарҳоддан асло қолишмайди. Саройда унинг ўн дугонаси бор бўлиб, ҳар бири бир фан соҳасида камолотга етган қизлар эди.

*“Фарҳод ва Ширин”*да шахзода Абулфаворис Шохғариб Баҳодурга насиҳат боби бор. Унда шоир Искандарнинг айнан илму ҳунар эгаллагани учун ҳам қуруқлик ва сув ҳудудларига эга чиққанини битади-да, кейин шох ва олим Мирзо Улуғбек таърифига ўтади.

Лайли билан Мажнун ҳам ўсмирлик йиллари бир-бири билан айнан мактабда танишади.

Навоийни ўқиш масъулияти

Бугун ҳар биримиз Навоийни ўқишимиз керак. Бу шунчаки, номигагина айтиладиган насиҳат ёки баландпарвоз бир шior эмас. Бироқ Навоийни ўқиш осон иш эмаслигини ҳам ҳаммамиз биламиз.

Бугунги кунда шоир асарлари тилини тушунишга ёрдам берадиган турли луғатлар чоп этилган.

Мавжуд олти дostonининг насрий баёни нашр қилинган.

Лирик шеърларининг бир қисми мустахсислар тарафидан махсус шарҳланган.

Буюк мутафаккир ҳаёти ва ижоди умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида махсус ўқув дастурлари асосида ўқитилади.

Шоирнинг кўплаб шеърлари кўшиқ қилиб қуйланади ва шу орқали ҳам китобхон онг-шуурига етиб борапти.

Навоий асарлари мавзулари бўйича мультфильмлар ишлаш ҳам жаддаллашиб қолди.

Интернетда шоирнинг ҳар қандай асари матини топиш мумкин ва ҳоказо.

Барибир, Навоийни сидқидилдан ўқийман деган ҳар бир китобхон ўзини шунга чоғлаши, бу ишга астойдил киришмоғи лозим.

Ҳаммаси – ниятга боглиқ. Шоир асарлари: *“Навоийни ўқийман”*, – деб ният қилган ҳар қандай китобхонга юз очади. Бунга чин дилдан ишониш керак.

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси

Муносабат

МАҲАЛЛА
ИНСТИТУТИНИНГ
НУФУЗИ ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Эндиликда туманимизда ҳоким Фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Кенгашга жамоатчилик асосида раислик қилади. Бу дегани, Кенгашлар зиммасига юклатилган вазифалар ижросининг самарадорлиги ошади. Тизим маъкеи кўтарилиб, халқ ишончининг ортишига имкон яратилади, жойларда ечимини кўтиб турган муаммоларга мутахассисларнинг шахсий жавобгарлиги кўчяйди. Маҳаллалар ҳудудида рўй бераётган ўзгаришларга, маиший ва ижтимоий масалаларга тумандаги барча ташкилот вакиллари эътибор қаратади. *“Маҳалла”* ҳайрия жамоат фонди туман бўлинимаси раиси эса туман кенгаши раиси ўринбосари ва бир вақтнинг ўзига туман бўлинимаси раиси вазифасида ҳам фаолият юритади. Шунингдек, вилоят кенгашлари каби туман ҳудудий Кенгашларда ҳам ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимлари жорий этилади.

Бундан ташқари, Фармон билан тасдиқланган дастурда ташкилий масалалар билан бир қаторда соҳага оид қонунийликни тақомиллаштириш ҳам кўзда тутилган. Жумладан, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар зиммасига фўқаролар йиғинларининг бандликлга қўмақлашувчи туман (шаҳар) марказлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари ҳамда молия ва соғлиқни сақлаш органлари билан ўзаро ҳамкорлигини назарда тутадиган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Президентимизнинг ушбу Фармони ноёб тўзилма – маҳалла институтини нўфузи ва мақоми янада кўтариш ҳамда уни чинакам халқчил тузилма сифатида шакллантиришда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Феруза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Шайхонтоҳур туманидаги *“Янги Белтепа”* маҳалла фўқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

– Президентимизнинг мазкур Фармонида биноан эндиликда республика ва ҳудудий Кенгашларда диний-маърифий масалалар бўйича раис ўринбосарлари лавозимларининг жорий этилиши биз, маслаҳатчиларнинг ишини мувофиқлаштириш, тезкор услубий-амалий кўрсатмалар бериши, диний нуктаи назардан юзга келадиган тушунмовчилик ва муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, фаолиятимизни самарали юритишда муҳим аҳамият касб этади. Қувонарлики, кенг қамровли ва назоратли фаолият юритиш натижасида мафҳуравий таҳдидларнинг олди олиниб, фарзандларимиз диний қарашлари теранлашиши, турли экстремистлар, миссионерлар, ақидапараст кучларнинг тузогига илинмаслиги, эзгу ва ҳур ғоялардан қуч олиб улғайишига замин ҳозирланади. Қолаверса, хотин-қизларнинг диний қарашларини тўғри йўналтириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигига эришиш, маҳаллаларимизда аҳил ва иноқ яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элтининг эътиқод эркинлигини таъминлаш ва уларни турли миссионерлар, экстремистлар таъсиридан асрашда ҳуқуқий қуч ва ишончли ҳимояга эга бўлаемиз.

Абдулқуру МУХАМЕДОВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги *“Шалолла”* маҳалла фўқаролар йиғини раиси:

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизда *“Кучли давлатдан – кучли фўқаролик жамияти сари”* тамойили асосида инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фўқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қўламли ишловлар амалга оширилмоқда. Мазкур янгиланишлар намунаси ва фаол иштирокчиси сифатида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг узвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими – маҳалланинг нўфузи ҳам тобора ортиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган фўқаролар йиғинлари жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик, аҳилиқ, баргикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳамкорлиқни кучайтириш ва оилаларни мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, миллий кадриятларни эъзозлашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Қуни кеча Президентимиз томонидан имзоланган *“Маҳалла институтини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги Фармонда 2018 йилнинг 1 декабригача республикамизнинг барча туман ва шаҳарлар марказларида *“Маҳалла марказлари”* мажмуалари биноларининг намунавий лойиҳалар асосида барпо этилиши ва энг сўнгги ахборот-коммуникация технология воситалари билан таъминланишининг алоҳида белгилангани нафақат мазкур институтнинг ривожига қанот бериб, балки бутун халқимизнинг қалбини миннатдорлик туйғусига тўлдирди. Айниқса, бу марказларга ҳудудий Кенгашлар ҳамда *“Маҳалла”* ҳайрия жамоат фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлиммаларининг жойлаштирилиши маҳаллий аҳамиятга молик масалаларга ижобий ечим топиш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳолининг талаб ва истакларини ўрганишда ўзаро бирдамлик ва ҳамфирқил билан ҳаракат қилишга муҳим асос бўлади. Эндиликда *“Маҳалла марказ”*лари нафақат ҳудуд кўрқига кўрк қўшадиган мажмуа, балки одамларнинг ташаббусларини кўллаб-қувватлайдиган, уларга ҳар томонлама маслаҳат ва ёрдам берадиган масканга айланади. У ерда тадбиркорлиқни ривожлантиришга қўмақлашиш, хотин-қизларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат марказлари, кутубхоналар ташкил этилиб, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган замонавий йиғилиш зали барпо этилади. Бу эса аҳолининг, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, оилавий тадбиркорлар сафини кенгайтириш орқали бандлик масаласини ҳал қилишга замин яратади.

*“Маҳалла марказ”*ларидаги шарт-шароит ва қулайликлар йиғинлар ишини қузапти, баҳо бериш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда, шубҳасиз, маҳалла фаолларига ҳар жиҳатдан қўл келади, тўғри ва адолатли қарорлар қабул қилишда асқотади.

Абдуғани СУЛАЙМОН

НАВОИЙ

Маъно денгизда қалбидир Сарвар,
Ҳар сўзин ичида порлайди гавҳар.
Шеърятда Султон, ҳаётда заргар –
Кўнгил осмонида офтоб Алишер
Тарих битган нурли китоб Алишер.

Ҳар байтида Ҳақ бор, ҳар байтида нур,
Адолат тик боқиб туради мағрур,
Сеҳридан, қонингда уйғонар сурур,
Кўнгил осмонида офтоб Алишер
Тарих битган нурли китоб Алишер.


Ўйлаб ўз халқини, мамлакатини,
Бойитиб яшади шеърятини,
Улусга улашди муҳаббатини,
Кўнгил осмонида офтоб Алишер
Тарих битган нурли китоб Алишер.

Лайлиу Мажнунлар тирикдир ҳамон,
Фарҳод наърасида ювилар армон.
Ҳайрат бармоғини тишлайди замон,
Кўнгил осмонида офтоб Алишер
Тарих битган нурли китоб Алишер.

Сатрлар терилган инжу донаси,
Ўқисанг уйғонар тонг шаббодаси.
Қалбнинг сархуш қилар газал бадаси,
Кўнгил осмонида офтоб Алишер
Тарих битган нурли китоб Алишер.

Эзгулик ҳеч қачон йўқотмас кучин,
Бунга гувоҳ эрур бу қадим очун.
Хазина қолдирди авлодлар учун
Кўнгил осмонида офтоб Алишер,
Тарих битган нурли китоб Алишер.

Спорт янгиликлари



ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ ОШИРИЛМОҚДА

Шахмат қадимдан ривожланиб келган спорт тури ҳисобланади. Бугун ҳам инсоннинг, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширувчи, дунёқарашини кенгайтирувчи спорт тури бўлиб келмоқда.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ёшларни турли спорт турлари, жумладан шахмат билан шуғулланишига кенг имкониятлар яратилди. Натижада юртимиздан кўплаб халқаро тоифадаги спортчилар етишиб чиқмоқда. Улар халқаро турнирлар ғолиби бўлиб, Ўзбекистон байроғини юксакларга кўтармоқда.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бир неча йилдан буён “Камолот” шахмат тахтаси Республика турнири ўтказилиб келинмоқда. Турнир ёшларни интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни спортнинг шахмат турига кенг жалб қилиш мақсадида ўтказилади. Жами тўрт босқичдан иборат ушбу турнир кўплаб истеъдодларни кашф қилганини алоҳида эътироф этиш лозим. Истеъдодли ёшлар таълим муассасаси босқичидан то Республика босқичига қадар йўлни босиб ўтиш даврида ўз тажрибаларини орттирдилар.

Жорий йилда ҳам ушбу турнирни юксак савияда ўтказиш, унга ўқувчи-ёшларни кенг жалб қилиш мақсадида Ҳаракатнинг Олмасор туман Кенгаши фаоллари ва таълим муассасаларидаги бошланғич таълим ўқувчилари томонидан 32 та умумтаълим мактаблари ва 16 та ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида тахсил олувчи ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

— “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмасор туман Кенгаши томонидан жорий йилда ушбу турнирни ўтказиш бўйича қатор самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши “Камалак” болалар ташкилоти раиси Қаҳрамон Зоҳидов. — Туманда турнирнинг биринчи — таълим муассаса босқичи юқори савияда бўлиб ўтмоқда. Юртимиздаги ёш шахмат спорти усталарини намоянда қилиб ушбу турнир таълим муассасаларида тахсил олаётган иқти-

дорли ёшларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди. Мусобақаларда энг сара ёш шахмат усталари танлаб олинмоқда ва турнирнинг туман босқичига йўлланмани қўлга киритмоқдалар. Ақлий спорт тури ҳисобланган шахматга бўлаётган бундай эътибор юртимизда аниқ фанларнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшибгина қолмай келгусида етишиб чиқаётган халқаро гроссмейстерларни кашф этишда ўзига хос ўрин эгаллайди. Қолаверса турнир шу спорт турига қизиқиши бўлган ёшларни интеллектуал қизиқишларини янада оширишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг аққол мисоли сифатида ҳозирги кунга қадар ўтказилган мусобақаларда жами 3000 га яқин ёшларнинг беллашганини айтишимиз мумкин. Ҳаракатнинг Олмасор туман Кенгаши бундай танлов ва мусобақалар сонини янада ошириш ва шу орқали тумандаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, айнан бу каби спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш юртимизнинг жаҳонга танита оладиган ёш спортчиларни кашф этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Зиёда РАСУЛОВА

АВСТРАЛИЯДАГИ ЎЙИНИ БОШҚАРАДИ

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов Осиё футбол конфедерацияси томонидан 2017 йилги чемпионлар лигаси турнири “F” гуруҳи 1-туридан ўрин олган “Вестерн Сидней Уондерерс” (Австралия) — “Урава Ред Даймондс” (Япония) учрашувига бош ҳакам этиб тайинланди.

Равшан Эрматовга қанотларда одатдагидек Абдуҳамидулло Расулов ва Жаҳонгир Саидов ёрдам беради. ОФК туртинчи ҳакам вазифасини малайзиялик Саҳаиз Бин Шукрига юклади.

Учрашув комиссари Хитой Тайпейи вакили Чин Фан Чунг бўлади. Ҳакамлар назоратчиси вазифасини сингапурлик Абдул Малик Бин Абдул Башир бажаради.

“Вестерн Сидней Уондерерс” — “Урава Ред Даймондс” учрашуви 21 февраль куни Австралиянинг Сидней шаҳридаги “Campbell Town Stadium” майдонида бўлиб ўтади. Учрашув маҳаллий вақт билан соат 20:00 да старт олиши режалаштирилган.

“ПАХТАКОР” ХОРИЖ ЙИҒИНИДА

Тошкентнинг “Пахтакор” жамоаси мавсум олди хориж йиғинини ўтказиш учун Анталия шаҳрига йўл олди.

Февраль ойининг 19 санасига “Шерлар” Туркиянинг Анталия шаҳрида йиғин ўтказилади. У ерда 4 назорат учрашуви ўтказиш режалаштирилган. 9 февралда Сербиянинг “Раднички”, 13 февраль куни Украинанинг “Сталь”, 16 февралда Россиянинг “Крилья Советов” ва 18 февраль санасида Россиянинг “Арсенал” клубларига қарши беллашувлар ўтказилади.

Анталияга йўл олган футболчилар билан танишнинг дарвозабонлар — Александр Лобанов, Ботир Эрғашев, Умид Ҳамроев,

ҳимоячилар — Камолитдин Тожиёв, Юрий Булат, Аднан Орахов, Даврон Ҳошимов, Хушнуд Авилов, Георгий Аҳмедов, Ҳожиакбар Алижонов, ярим ҳимоячилар — Владимир Козак, Станислав Андреев, Жавохир Соҳибов, Акбар Исмаилов, Шерзод Каримов, Азим Аҳмедов, Остон Ўронов, Жамшид Юсупов, Жамшид Искандеров, Сухроб Нуруллоев, Шоҳрух Маҳмудхожиев, Жамшид Болтабев, Достон Иброҳимов, ҳужумчилар — Игорь Сергеев, Жасур Ҳақимов, Иброҳим Ганихонов.

Ботир ХУҲАЕВ

Пойтахтимиздаги “Қушбеги” спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг “Тошкент-Аэро” ихтисослаштирилган божхона комплекси томонидан мини-футбол бўйича навбатдаги мусобақанинг финал ўйини ва ғолибларни тақдирлаш маросими ташкил этилди.

БОЖХОНАЧИЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Шахсий таркиб ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ҳодимларнинг жисмоний тайёргарлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган турнирда “Тошкент-Аэро” ИБК Бошқарув аппарати, “Тошкент халқаро аэропорти”, “Учиш майдони” чегара-божхона постлари, “Авиаклар”, “Тузель” ташки иқтисодий фаолият божхона постлари ҳодимларидан таркиб топан 6 та жамоа ўзаро беллашди.

Мусобақанинг финал ўйинида эса бу гал ҳам эски рақиблар “Тошкент-Аэро” ИБК Бошқарув аппарати ва “Авиаклар” божхона пости жамоалари рўпара келди.

Хал қилувчи ўйинга Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси, “Globe Soccer Awards” танловига кўра 2015 йилда “Йил ҳаками” номига сазовор бўлган, Осиёнинг 5 қарра энг яхши ҳаками, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Равшан Эрматов ҳакамлик қилди.

Мурсосиз кечган ўйинлар якуни бўйича турнир жадвалида пешқадамликни яна “Авиаклар” ТИФ божхона пости жамоаси ўзига сақлаб қолди. Бу гал кутилмаганда 2-ўринга “Тошкент халқаро аэропорти” чегара-божхона пости 1-сменаси вакиллари кўтарилишди. Ўтган йили 2-ўринга сазовор бўлган “Тошкент-Аэро” ИБК Бошқарув аппарати жамоаси бу гал 3-ўрин билан қифояланди.

Ҳодимларнинг тақдирлашга бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққан “Тошкент-Аэро” ИБК бошлиғи, божхона хизмати полковниги Р.Таджиев мамлакатимизда ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, уларнинг спорт билан шуғулланиши учун кенг имконият ва шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, юртимизда спортни кенг омалаштириш бўйича олиб борилаётган изчил ислохотларга жавобан Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти томонидан республикамиз божхона органлари тизимида ҳам соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт билан мунтазам шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳодимлар учун божхона органлари ва хизмат ўйинлари ҳудудларида мини-футбол, баскетбол майдонлари бунёд этилиб, спорт заллари замонавий анжомлар билан жиҳозланмоқда.

Зеро, спорт билан мунтазам шуғулланадиган ва чиниққан ҳодимларгина божхона органларига юклатилган вазифаларни жисмонан ва руҳан бажаришга ҳамisha тайёр туришди.

Тадбир давомида мусобақа ғолибларига Кубок, диплом ва медаллар шунингдек, бир қатор номинацияларда ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Жумладан, “Авиаклар” ТИФ божхона пости жамоаси вакиллари Шерзод Ҳасанов — “Энг яхши дарвозабон”, Тимур Афзалов — “Энг яхши ҳимоячи” номинацияларида ғолибликни қўлга киритишган бўлса, “Учиш майдони” божхона пости жамоаси вакили Азиз Султонбоев — “Энг фаол ўйинчи” деб топилди. “Тошкент халқаро аэропорти” чегара-божхона пости 1-сменаси вакиллари Искандар Агзамходжаев — “Энг яхши тўпурар”, Бегзод Ибрагимов — “Энг яхши ҳужумчи” сифатида эътироф этилди.

Зарина РУСТАМОВА

“101”

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса, турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, “тилсиз ёв” на фасл, наники вақт ва жой танламайди. Кутилмаганда озгина эҳтиётсизлик ва бепарволик оқибатида рўй беради.

Маъмурий бино раҳбарлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлари ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан бохабар бўлиб, ёнғин юз берган вақтда эса инсонларни эвакуация қилиш ва ёнғинни ўчириш бўйича барча чораларни кўриши муҳим аҳамиятга эга. Корхона ҳудуди доимо тоза ҳолда сақланиши, ёнғинчи материалларни, тўқилган барг, ҳазонлар ва қуруқ ўтларни мунтазам равишда йиғиштириб, ташқарига чиқариб ташлаш зарур. Бино ва ёнғинга қарши сув манбаларига ҳамда ёнғин ўчириш анжомлари ва жиҳозларига олиб борувчи йўллар доимо очик ҳолда бўлиши керак. Бундан ташқари корхона ҳудудида гулкан ёқиш ва ошхона очик ўчоқларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Чордоқ ва техник хоналарининг эшиклари доимо қўлданган бўлиши керак. Қўлф калитларини куннинг исталган вақтида олиш имкони бўлган белгиланган жойда сақлаш лозим.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнинг, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Дониёр УРМАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ бўлими бошлиғи,
подполковник

Шаҳримиздаги турар жойлар, ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш мақсадида аҳоли, ишчи-хизматчилар ва ўқувчи-ёшлар орасида тушултириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Масканларни бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш, инсонларнинг бевақт ҳалок бўлишига йўл қўймайлик асосий вазифамиздир. Доимо ёнғин хавфсизлиги таъминланса машаққатли меҳнат эвазига келаётган миллий ва маънавий бойлигимиз, иншоот ва биноларимизни ёнғинлардан сақлашга улуш қўшган бўламыз.

Ёнғин чиқишининг олдини олишда қуйидаги қоидаларга амал қилинг:

— Электр тармоғига юқори қувватли бир неча электр асбобини улаш тармоққа оғирлик қилади, бу эса ёнғин чиқишига сабаб бўлади.

— Электр улагичлар изоляциясини соз ҳолда бўлиши керак. Агар хондонда электр улагич симлар эскирган, розетка ва патронлар носоз бўлса тезда электромонтерни чақириб бу камчиликларни бартараф қилинг.

— Турмушда ишлатиладиган кимёвий воситалардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. Уларнинг кўпчилиги тез ёнғувчан моддалардир.

— Газ асбобларидан фойдаланишда дераза дарчасини очиб қўйишни унутманг. Ёқилган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг. Асбоблардан фойдаланишни билмайдиган шахслар ва болаларни асло қўйишдан сақланг.

— Газ плитаси устида кир қуритиш ўта хавфли эканини ёдда тутинг.

— Ёқилган телевизорни қаровсиз ёки болалар ихтиёрида қолдирманг.

Бу билан Сиз ёнғин чиқишининг олдини олган бўласиз.

Мурод ЗИКИРОВ,
ЁХБ 12-ХЕХ 4-ХЕХ
алоҳида пост кичик инспектори, сафдор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйининг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

“Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳужжатларни амалга ошириш учун маълумотномаларини олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун

Odnookno.uz

Интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш қифоя бўлиб, ушбу аризани кўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли орган — “Ерғодезкадастр” давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қулай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.